



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИНИНГ
Қ А Р О Р И**

6-сонли

2007 йил 27 июнь

Тошкент шаҳри

**Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар
бўйича суд амалиёти тўғрисида**

Қасддан баданга турли даражада шикаст етказиш билан боғлиқ ишлар бўйича суд амалиётини умумлаштириш натижаларини муҳокама қилиб, бундай қилмишларни содир этганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи жиноят қонуни нормалари тўғри қўлланилишини таъминлаш мақсадида, «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддасига асосланиб, Олий суд Пленуми

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Судларга тушунтирилсинки, баданга шикаст етказиш деганда, инсон органлари ёки организми тўқималари анатомик тўқислиги ёки улар физиологик функциясининг ташқи таъсир оқибатида бузилиши тушунилмоғи лозим.

Баданга етказилган шикастнинг хусусияти ва оғирлик даражасини аниқлаш, одатда, тиббиёт органлари ваколлатига тааллуқли бўлиб, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 1992 йил 21 октябрдаги буйруғи билан тасдиқланган, баданга етказилган шикаст оғирлигини суд-тиббий йўсинда белгилаш қоидаларига мувофиқ ўтказилади.

Шу сабабли, баданга шикаст етказилган ҳар бир ҳолда ЖПК 173-моддаси биринчи қисмининг 1-банди талабига кўра суд-тиббиёт экспертизаси тайинланиши ва ўтказилиши шарт бўлиб, унинг хулосаси суд томонидан қайд этилган Қоидалар ва ишнинг бошқа материаллари асосида (ЖПК 187-моддаси) баҳоланиши лозим.

2. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, баданга шикаст етказишга онд ишлар бўйича қилмишни тўғри квалификация қилиш учун айб шакли, баданга шикаст етказиш мотиви, мақсади ва усули, айбдорнинг қилмиши билан келиб чиққан оқибат ўртасида сабабий боғланиш мавжудлиги, шунингдек, ишнинг тўғри ҳал этилиши ва айбдорга адолатли жазо белгиланиши учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатлар батафсил аниқланиши лозим.

3. Жиноят кодекси 104–110-моддалари бўйича жавобгарлик айбдорда мазкур моддалар диспозициясида кўрсатилган шикастни бошқа бир одамга ҳуқуққа хилоф равишда етказишга нисбатан қасд (тўғри ёки эгри) мавжуд бўлгандагина келиб чиқади.

Агар айбдор ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлигининг ижтимоий хавfli эканлигини англаса, жабрланувчи баданига муайян даражада шикаст етказиши мумкинлигига кўзи етса ва шуни хоҳласа ёинки хоҳламаса-да, бунга онгли равишда йўл кўйса ёки ўз қилмишидан келиб чиқадиган оқибатларга бефарқ қараса, барча қилмиш аслида келиб чиққан оқибатлар бўйича квалификация қилинади.

4. Баданга ҳар қандай оғирлик даражасида қасддан етказилган шикаст учун жавобгарлик айбдорнинг қилмиши билан келиб чиққан, ЖК 104–110-моддаларида кўрсатилган оқибатлар ўртасида сабабий боғланиш мавжуд бўлишини тақозо этади. Агар мазкур оқибатлар, гарчи улар айбдорнинг ҳуқуққа хилоф ҳаракатлари билан боғлиқ бўлса-да, бироқ организмнинг индивидуал хусусиятлари ёки кўрсатилган тиббий ёрдам тегишлича бўлмаганлиги, жабрланувчининг унга етказилган зиён оғирлашишига сабаб бўлган ўз ҳаракатлари, айбдорнинг қасди билан қамраб олинмаган бошқа ҳолатлар туфайли келиб чиққан бўлса, қилмишни Жиноят кодексининг кўрсатилган моддалари билан квалификация қилиш учун асослар бўлмайди.

5. Судларга тушунтирилсинки, ЖК 104, 105, 109-моддалари биринчи қисмларида қайд этилган баданга етказиладиган турли даражадаги шикаст белгилари доираси қатъийдир. Бунда баданга етказилган шикаст муайян даражадаги оғирликка тааллуқлилигини эътироф этиш учун улардан биттаси етарли бўлади. Агар баданга етказилган шикаст оғир, ўртача оғир ёки енгил хусусиятга эга эканлигини кўрсатувчи бир неча белги мав-

жудлиги аниқланса, шахсни жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарорда ҳамда суд ҳукмида уларнинг барчаси баён этилиши шарт.

Айбдорнинг қасддан қилган ҳаракатлари оқибатида жабрланувчи баданига оғир шикастдан ташқари бошқа оғирлик даражасидаги шикаст етказилган ҳолларда, қилмишни Жиноят кодексининг баданга енгилроқ даражада шикаст етказганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи тегишли моддалари билан қўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди.

6. Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, ЖК 104-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган баданнинг тузалмайдиган даражада хунуклашиши деганда, жарроҳлик аралашувисиз бартараф этиб бўлмайдиган инсон қиёфасига ёқимсиз, сескантирадиган кўриниш берувчи жароҳат (жумладан, механик таъсир, олов, агрессив моддалар ва х.к.лар таъсирида юз симметриясининг, мимиканинг бузилиши, чуқур чандиқлар, кертиклар пайдо бўлиши, баданнинг яра босиши, бурун, лаб, кулоқнинг ажратилиши ва бошқа нуқсонлар) тушунилиши лозим.

Бадан жароҳатларининг тузалмайдиган даражада эканлигини аниқлаш суд-тиббий экспертиза ваколатига тааллуқли.

Жароҳатларни хунуклаштирувчи деб топиш масаласи тергов органлари ва суднинг ваколатига тегишли бўлиб, у жамиятда мавжуд эстетик тасаввурлар нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда ҳал этилади. Бунда мазкур жароҳатларни кийим, соч турмаги ва бошқа йўсинда яшириш имконияти борлиги уларни хунуклаштирувчи деб топиш масаласини ҳал этишга таъсир этмаслиги лозим.

7. Қилмишни ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёл баданига қасддан етказилган оғир ёки ўртача оғир шикаст сифатида квалификация қилиш учун (ЖК 104-моддаси иккинчи қисмининг «а» банди, 105-моддаси иккинчи қисмининг «б» банди) аёлнинг ҳомиладор эканлиги ҳолати унинг баданига шикаст етказилгунга қадар айбдорга маълум бўлган бўлиши лозим. Бунда қилмишни мазкур белги билан квалификация қилиш учун ҳомилани туширишга нисбатан қасд мавжуд бўлиши, айбдорнинг ҳаракатлари ҳомиланинг тушишига олиб келмаган ҳолларда эса, баданга бошқа, тегишлича, оғир, ўртача оғир шикаст етказилган бўлиши шарт. Акс ҳолда, ҳаракатлар, келиб чиққан оқибатлар бўйича, Жиноят кодексининг баданга қасддан шикаст етка-

зиш учун жавобгарликни назарда тутувчи тегишли моддаси билан квалификация қилинади.

Агар жабрланувчи ҳомиладор эканлигини айбдор англамаган бўлса, унинг баданга қасддан етказилган ва ҳомиланинг тушишига сабаб бўлган шикаст фақат айбдорда жабрланувчи баданига оғир шикаст етказишга нисбатан қасд мавжуд бўлган ҳолда ЖК 104-моддаси биринчи қисми билан, акс ҳолда ЖК 111-моддаси билан квалификация қилинмоғи лозим.

8. Судларга тушунтирилсинки, ЖК 104-моддаси иккинчи қисмининг «б» банди, 105-моддаси иккинчи қисмининг «в» банди билан ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан шахсга ёки унинг яқин қариндошларига бундай шахс томонидан ўз хизмат фаолияти ёки фуқаролик бурчини бажаришга тўсқинлик қилиш, шунингдек, бундай фаолият учун ўч олиш мақсадида қасддан оғир ёки ўртача оғир шикаст етказган айбдорнинг ҳаракатлари квалификация қилиниши лозим.

Фуқаролик бурчини бажариш деганда, жумладан, инсоннинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида мустаҳкамланган мажбуриятларни бажаришга қаратилган ҳар қандай қонуний фаолияти тушунилади.

9. Баданга қасддан етказилган оғир ёки ўртача оғир шикастни ўта шафқатсизлик билан етказилган деб тегишлича ЖК 104-моддаси иккинчи қисмининг «в» банди, 105-моддаси иккинчи қисмининг «г» банди бўйича квалификация қилиш учун айбдорда жабрланувчига бундай шикастни алоҳида жисмоний ёки руҳий азоб берувчи усулда етказишга нисбатан қасд мавжуд бўлганлигини аниқлаш лозим.

Ўта шафқатсизлик, жумладан, баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказишга сабаб бўлган азоблаш ва қийнашда намоён бўлади. Бунда азоблаш деганда, узоқ вақт овқат, сув ёки иссиқликдан маҳрум қилиш каби хўрловчи ҳаракатлар, ёхуд инсонни соғлиқ учун зиён етказувчи шароитга солиш ёки унда қолдириш ва ҳ.к. тушунилиши лозим. Қийнаш деганда, кўп марта ёки узоқ вақт давомида оғриқ етказувчи, жумладан, муттасил дўппослаш, чимчилаш, кесиш, ўтмас ёки ўткир-санчилувчи (кесувчи) предметлар билан кўп сонли, бироқ чуқур бўлмаган жароҳатлар етказиш, электр ёки термик омиллар орқали таъсир кўрсатиш ва ҳ.к. билан боғлиқ ҳаракатлар тушунилиши лозим.

Баданга қасддан оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш усулини ўта шафқатсизлик хусусиятига эга деб топиш масаласини ҳал қилиш суд-тиббиёт экспертнинг эмас, тергов органи ва судлар ваколатига тааллуқли.

Жабрланувчи учун яқин шахслар кўз ўнгида унинг баданига қасддан оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш ҳолати ҳам башарти бунда айбдор ўз ҳаракатлари билан уларга алоҳида азоб бераётганлигини англаган бўлса, айбдор томонидан намоён этилган ўта шафқатсизлик ифодаси сифатида баҳоланиши лозим. Жабрланувчи учун яқин шахслар тоифасига унинг яқин қариндошлари билан бир қаторда, у билан алоҳида дўстлик муносабатларида бўлган шахслар ҳам киритилиши мумкин.

10. Баданга қасддан оммавий тартибсизликлар жараёнида етказилган оғир ёки ўртача оғир шикаст тегишлича, ЖК 104-моддаси иккинчи қисмининг «г» банди, 105-моддаси иккинчи қисмининг «д» банди бўйича квалификация қилиниши лозим.

Агар айбдор томонидан оммавий тартибсизликлар жараёнида қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказишдан ташқари яқсон қилиш, бузиш, ўт қўйиш ва шу каби бошқа жиноятлар содир қилинган бўлса, унинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиниши лозим.

11. Судлар шунинг назарда тутишлари лозимки, баданга қасддан тамагирлик ниятида, айни пайтда, босқинчилик белгилари мавжуд бўлмаган ҳолда етказилган оғир, ўртача оғир шикаст, тегишлича ЖК 104-моддаси иккинчи қисмининг «д» банди, 105-моддаси иккинчи қисмининг «е» банди билан квалификация қилинади.

12. Баданга қасддан безорилик туйғусида етказилган оғир шикаст ЖК 104-моддаси иккинчи қисмининг «е» банди билан квалификация қилинади ва ЖК 277-моддаси билан қўшимча квалификация қилишни талаб этмайди. Агар айбдор мазкур жиноятдан ташқари яна безорилик жинояти белгилари мавжуд бошқа ҳаракатларни содир этган бўлса, қилмиш ЖК 104-моддаси иккинчи қисмининг «е» банди ва 277-моддасининг тегишли қисмида кўрсатилган жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиниши лозим.

13. Баданга қасддан етказилган оғир, ўртача оғир шикастни миллатлараро ёки ирқий адоват замирида етказилган (ЖК 104-моддаси иккинчи қисмининг «ж» банди, 105-моддаси ик-

кинчи қисмининг «ж» банди бўйича) деб квалификация қилиш учун айбдор томонидан бундай ҳаракатлар бошқа мотивларда (масалан, муайян жабрланувчига нисбатан рашк, ўч олиш, шахсий келишмовчилик муносабати туфайли) эмас, балки айнан ушбу бандда назарда тутилган мотивда содир этилганлиги аниқланиши лозим.

14. ЖК 104-моддаси иккинчи қисмининг «з» банди, 105-моддаси иккинчи қисмининг «з» банди билан жабрланувчига нисбатан диний таассублар замирида унинг диний эътиқоди муносабати билан, аксарият ҳолларда, муайян диний конфессия шаъни ва обрўсини камситиш, диний адоват ёки ихтилоф қўзғатиш мақсадида қасддан етказилган, тегишлича, оғир, ўртача оғир шикаст квалификация қилиниши лозим.

15. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, жабрланувчи баданига унинг органлари ёки тўқималарини қонунсиз олиш пайтида етказилган оғир шикаст ҳам трансплантация мақсадида уни ўз органлари ёки тўқималарини беришга мажбурлаш пайтида етказилган оғир шикаст ҳам ЖК 104-моддаси иккинчи қисмининг «и» банди билан квалификация қилиниши лозим. Бунда айбдорнинг ҳаракатлари натижасида киши органи ёки тўқимаси олинган бўлиши шарт бўлмай, унда трансплантат олиш мақсади борлиги аниқланишининг ўзи kifоф.

16. Баданга қасддан оғир, ўртача оғир шикаст етказган бир гуруҳ шахсларнинг ҳаракатлари, олдиндан тил бириктирилган ёки бириктирилмаганлигидан қатъи назар, тегишлича, ЖК 104-моддаси иккинчи қисмининг «к» банди, 105-моддаси иккинчи қисмининг «и» банди билан квалификация қилиниши лозим.

Бунда баданга қасддан оғир, ўртача оғир шикаст бир гуруҳ шахслар томонидан етказилган деб топиш учун икки ва ундан ортиқ шахс бундай шикаст етказиш мақсадида биргаликда ҳаракат қилиб, уни содир этишда ҳам ижрочи сифатида қатнашган бўлиши керак. Бироқ, баданга шикаст улардан ҳар бири томонидан етказилган бўлиши шарт эмас (масалан, гуруҳ иштирокчиларидан бири жабрланувчининг қаршилигини бостирса, айни пайтда бошқаси унга жароҳат етказди). Баданга оғир, ўртача оғир шикаст етказишга қаратилган ҳаракатлар бир шахс томонидан содир этилиш жараёнида унга бошқа шахслар шу мақсадда келиб қўшилганда ҳам бундай жиноят бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган деб топилиши керак.

17. Икки ва ундан ортиқ шахс баданига қасддан етказилган оғир, ўртача оғир шикаст, башарти айбдорнинг ҳаракатлари ягона қасд билан қамраб олинган ва одатда, узлуксиз бир вақтнинг ўзида ёки жуда қисқа вақт ичида содир этилган бўлса, ЖК 104-моддаси учинчи қисмининг «а» банди, 105-моддаси иккинчи қисмининг «а» банди билан квалификация қилиниши лозим.

18. Қасддан баданга икки ва ундан ортиқ марта, уни содир этишга ягона қасд мавжуд бўлмаган ҳолда ва одатда турли вақтда оғир, ўртача оғир шикаст етказиш, тегишлича, ЖК 104-моддаси учинчи қисмининг «б» банди, 105-моддаси иккинчи қисмининг «к» банди билан такрорийлик белгиси бўйича квалификация қилинади.

Қасддан баданга етказилган оғир, ўртача оғир шикастни, тегишлича, такроран ёки хавfli рецидивист томонидан содир этилган деб квалификация қилиш учун айбдор жиноятнинг ижрочиси ёки бошқа турдаги иштирокчиси эканлиги аҳамият касб этмайди.

Айни пайтда, судлар шуни назарда тутишлари керакки, айбдор томонидан муқаддам бошқа жиноят содир этилган бўлиб, унинг таркибий қисмини қасддан оғир, ўртача оғир шикаст етказиш ташкил этилганлиги (масалан, шахс муқаддам босқинчилик, терроризм, безорилик, ҳарбий хизматчилар ўртасида ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш ва ҳ.к. жиноятларни содир этган бўлса) қилмишни ЖК 104-моддаси учинчи қисмининг «б» банди, 105-моддаси иккинчи қисмининг «к» банди билан такрорийлик белгиси бўйича квалификация қилиш учун асос бўлмайди.

Иштирокчиликда баданга қасддан оғир, ўртача оғир шикаст етказилганда, такрорийлик сифатидаги квалификация белгиси, фақат, ушбу белгига лойиқ айбдорга нисбатан қўлланилиб, бошқа иштирокчиларга нисбатан қўлланилиши истисно этилади.

19. Судлар шуни инобатга олишлари керакки, жабрланувчи баданига унинг ўлишига сабаб бўлган оғир шикаст етказиши, фақат айбдорда оғир шикаст етказишга нисбатан қасд ва ўлим келиб чиқиши тариқасидаги оқибатга нисбатан эҳтиётсизлик кўринишидаги айб мавжуд бўлгандагина ЖК 104-моддаси учинчи қисмининг «д» банди билан квалификация қилинади.

Бунда, қилмишни шу тахлит квалификация қилиш учун баданга етказилган оғир шикаст билан келиб чиққан ўлим ўртасида сабабий боғланиш борлиги аниқланиши шарт.

Келиб чиққан ўлимга нисбатан эҳтиётсизлик кўринишидаги айб, жумладан, айбдор томонидан ўлдириб қўйиш эҳтимоли англанданлигидан далолат бермайдиган усул ёки қурол билан ёхуд ҳаётий муҳим бўлмаган органларига етказилганлигида ва шунга ўхшаш бошқа ҳолатларда намоён бўлиши мумкин.

20. Судлар баданга қасддан етказилган ва жабрланувчининг ўлишига сабаб бўлган оғир шикастни эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдиришдан фарқлашлари лозим. Бунда шуни эътиборга олиш лозимки, эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдиришда айбдорда жабрланувчи баданига оғир шикаст етказишга нисбатан ҳам, уни ўлдириб қўйишга нисбатан ҳам қасд бўлмаслиги тақозо этилса, жабрланувчи баданига унинг ўлишига сабаб бўлган оғир шикаст етказилганда эса, шахснинг қасди жабрланувчига шундай шикаст етказишга қаратилган бўлади.

21. ЖК 104-моддаси иккинчи ёки учинчи қисмлари, 105-моддаси иккинчи қисмининг икки ва ундан ортиқ бандларида назарда тутилган квалификация белгилари мавжуд бўлган ҳолда баданга қасддан оғир, ўртача оғир шикаст етказиш ушбу бандларнинг барчаси билан квалификация қилинади. Бундай ҳолларда жазо бир неча квалификация белгиси мавжудлиги ҳисобга олинган ҳолда тайинланиши лозим.

Айбдорнинг ҳаракатларида ЖК 104-моддасининг ҳам иккинчи ҳам учинчи қисмларида назарда тутилган квалификация белгилари мавжуд бўлган ҳолларда, барча қилмиш ЖК 104-моддасининг учинчи қисми бўйича квалификация қилиниши лозим бўлиб, бироқ шахсни жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб этиш тўғрисидаги қарорда ва ҳукмда барча квалификация белгилари кўрсатилиши шарт.

Айбланувчига, тегишлича ЖК 104-моддаси иккинчи ёки учинчи қисмлари, 105-моддаси иккинчи қисмининг икки ва ундан ортиқ бандларида назарда тутилган квалификация белгилари мавжуд бўлган ҳолда баданга қасддан оғир, ўртача оғир шикаст етказганлиги юзасидан айб қўйилиб, бироқ улардан айримлари ўз тасдиғини топмаса, ҳукмнинг тавсиф қисмида у ёки бу бандлар бўйича айблов асоссиз деб топилганлиги тўғрисида мотивлар келтирилиб, хулоса қилинишининг ўзи етарли.

22. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, агар айбдор қўллаган зўрлик жабрланувчини дўппослаш, унинг баданига енгил ёки ўртача оғир шикаст етказишга сабаб бўлса, жабрланувчи баданига оғир шикаст (ёки жабрланувчининг ўлими) айбдорнинг айби билан қамраб олинмаган ҳолатлар бўйича (масалан, зарбадан сўнг йиқилиш натижасида) келиб чиққан бўлса, айбдор оқибатига кўзи етмаган, бироқ кўзи етиши шарт ва мумкин бўлган ёхуд кўзи етса-да, етарли асосларсиз унинг олдини олишни мўлжаллаб қилган ҳаракатлари натижасида келиб чиққан оқибатлар ЖК 111 ёки 102-моддалари билан квалификация қилинади. Бундай пайтда баданга қасддан етказилган шикастлар алоҳида юридик баҳоланиши лозим. Бундай ҳаракатларда жиноий жазога сазовор қилмиш белгилари мавжуд бўлса, жавобгарлик жиноятлар мажмуи бўйича келиб чиқади.

Агар зўрлик оқибатида қасддан баданга оғир шикаст етказилган бўлиб, жабрланувчининг айбдор эҳтиётсизлик шаклида субъектив муносабат билдирган ўлими олинган жароҳатлар, масалан, йиқилиш оқибатида келиб чиққан бўлса, қилмиш қасддан баданга оғир шикаст етказиш ва эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдириш жиноятлари мажмуи бўйича квалификация қилинади.

23. Судларга тушунтирилсинки, кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида, зарурий мудофаа ёки ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш чоралари чегарасидан четга чиқиб, баданга қасддан оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш, ҳатто ЖК 104-моддаси учинчи қисмида кўрсатилган айбни оғирлаштирувчи белгилар мавжуд бўлган тақдирда ҳам тегишлича ЖК 104, 105-моддаси билан квалификация қилиниши мумкин эмас. Бундай ҳаракатлар, жумладан, улар эҳтиётсизлик орқасида ўлимга сабаб бўлган ҳолда ҳам тегишлича ЖК 106, 107, 108-моддалари билан квалификация қилиниши лозим.

24. Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, баданга қасддан, соғлиқнинг қисқа муддатга ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқолишига сабаб бўлмаган даражада енгил шикаст етказганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланган.

Баданга қасддан бундай шикаст етказганлик учун жиноий жавобгарлик, фақат у шундай қилмиш учун шахсга нисбатан маъмурий жазо маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарор кучга

кирган кундан бошлаб бир йил ичида такроран содир этилган (ЖК 109-моддасининг биринчи қисми) ёки соғлиқнинг қисқа вақт давомида ёмонлашувиغا сабаб бўлган (ЖК 109-моддасининг иккинчи қисми) ҳолдагина келиб чиқади.

25. Айбдорнинг ҳаракатларини ЖК 110-моддаси билан квалификация қилиш учун дўппослаш ёки қийнаш хусусиятига эга бўлган бошқа ҳаракатлар қасддан, муттасил, яъни жабрланувчига жисмоний ёки руҳий азоб бериш мақсадида ягона қасд билан қамраб олинган ва камида уч марта содир этилганлиги аниқланиши лозим.

Қийнаш жараёнида баданга енгил шикаст етказиш (у соғлиқнинг ёмонлашувиغا олиб келган-келмаганлигидан қатъи назар) ЖК 110-моддаси билан қамраб олинади ва ЖК 109-моддаси билан қўшимча квалификация қилинишини талаб этмайди.

Агар қийнаш жараёнида баданга оғир, ўртача оғир шикаст етказилган бўлса қилмишни, бундай жароҳат етказишга нисбатан қасд мавжуд бўлган тақдирда, ЖК 104 ёки 105 моддаси билан квалификация қилиш лозим бўлиб, уни ЖК 110-моддаси билан қўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди.

26. Мазкур тоифа ишлар бўйича жиноят натижасида етказилган мулкий зиённи ундириш масаласини ҳал этиш чоғида судлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги «Жиноий ҳаракатлар оқибатида етказилган моддий зарарни қоплаш масаласига доир суд амалиёти тўғрисида»ги қароридан мавжуд тушунтиришларга амал қилишлари лозим.

Олий суд раиси

Б. Мустафаев

**Пленум котиби,
Олий суд судьяси**

М. Ҳасанов